



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2007 йил  
21 ноябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 95  
(12.002)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2007 йил 16 ноябрдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқди.

Қонунда белгиланган муддатда ўтказилган текширув натижаларига қўра, ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги ҳусусида ўз ҳулосаларини берди. Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, қўйилганларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан – Аслиддин Ашурбаевич Рустамов, 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; "Адолат" социал-демократик партиясидан – Дилорам Гафурджанова Ташмухамедова, 1962 йилда туғилган, "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳи бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

ларидан номзодларнинг таржимаи холи ва сайловолди дастурларини чоп этиш жадвалини тасдиқлади.

Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритиш, сайловолди ташвиқоти амалга оширишга доир тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловчиларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини етказиш бўйича тенг шaroит яратиш мақсадида ҳар ҳафта радио ва телевидениеда тенг эфир вақти берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари ҳақида туркум видео ва радиороликлар, теле ҳамда радиоэшиттирилари эфирга мунтазам узатиш режалаштирилди. Номзодларнинг илтимосларига биноан, уларга тенг шaroитда исталган ҳажмда қўшимча бепул эфир вақти берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатган ҳар бир сиёсий партия ўз матбуот органига эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳи учун ҳам тенг имконият яратиш мақсадида сайловолди ташвиқоти учун муассиси нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳисобланган "Жамият" газетасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Брифингда оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти амалга ошириш учун тенг шaroитлар таъминли партия наشري ва "Жамият" газетасига жорий этилмаслиги қайд қилинди. Улар ўзлари зарур деб ҳисоблаган ҳажмдаги тегишли материални чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

Брифинг иштирокчиларига, шунингдек, 2000 ва 2004 йиллардаги сайловларни ўтказиш таърибига ҳамда ташкил этилган сайлов участкалари сонини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар таржимаи холи ва сайловолди дастурлари акс этган тегишли плакат ва рисоаларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилиши ҳақида маълумот берилди.

Брифингда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ барча сарф-харажатлар "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳи бунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги Қонуннинг 5, 14 ва 28-моддаларига биноан, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида 2007 йилнинг 18 сентябрда қарор қабул қилган эди.



Демак, Конституция ва қонунлар устулчилигини таъминлашни ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. «Конституция ва қонунларнинг устулчилиги принципи шунингдек, – дейди Президентимиз, – бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Улуғ бобокалонимиз Амир Темурайтганидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча Қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши белгиланган. Давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз борар экан,

## 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини УСТУВОР ВА БАРЧАГА БАРАВАР

Юртбошимиз таъкидлаганидек, қонун устулчилигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг вазифаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.

аввало уларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг юксак, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узок даврларга мўлжалланган бош принципал қоидалар мустаҳкамланган. Бу қоидалар бошқа қонун ҳужжатларида очиб берилади ва конкретлаштирилади. Шу сабабли Конституциядаги муҳим бўлсада, лекин асосий қонун доирасига сикмай

диган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмади. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизда ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик қучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим. Конституциянинг Асосий Қонун сифатидаги аҳамияти, обрў-эътибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Қисқаси, Конституцияни қонунлар қонуни дейиш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида унинг энг юқори қучга эгалиги, ҳамма қонунлардан устул

туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг устулчилиги ўрнатилди.

Юқоридаги принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот тантанасини аниқлатади. Қонунчилик – бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий тартиб ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик бу давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда тақомиллаштириб бориш ва давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъий риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принциpidир.

(Давоми 2-бетда).

## ИЛК ТАНЛОВНИНГ МУНОСИБ ФОЛИБЛАРИ

Чирчиқ шаҳар почта-алоқа тармоғи ҳеч қачон бундай нуфузли тадбирга мезбонлик қилмаган эди. «Энг яхши почта хизматчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи қутилганидан ҳам юксак савияда ташкил этилди. У почта хизматчилари учун ўзаро тажриба алмашишга имкон яратди, энг асосийси уларнинг ҳар бирида касбга бўлган меҳр-иштиёқни оширди.

қўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, аҳолига янги замонавий хизмат турларини тавсия этиш ҳамда бу жараёнда почта ходимларининг касб маҳоратини ошириш.

Шу йилнинг октябр ойи ва ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида филиалга қарашли тармоқларда танловнинг биринчи босқичи ўтказилиб, фойлиблар аниқланди. Ана шу фойлиблар вилоят босқичида тўртта шарт, яъни ўзлари меҳнат қилаётган бўлимда қандай замонавий хизматлар қўрсатилганлигини очиб бериш, мазкур соҳанинг халқ ҳўжалигида тутган ўрни ҳақидаги савол-жавоблар, аҳолига замонавий ахборот технологиялари негизда янги турдаги почта хизматини қўрсатиш бўйича амалий иш – электрон пул ўтказмаси, электрон почтани қабул қилиш ва жўнатиш, интернетга кириш ва унда ишлаш, мижоздан электрон-алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш ва ниҳоят, санъат ва адабиёт соҳасидан қанчалик хабардор эканлигини намоён этиш бўйича баҳс-баҳшлар.

Яқини натижаларга қўра барча шартларни муваффақият билан бажарган Чирчиқ почта-алоқа тармоғи оператори Любoв Гривова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Ангрэн шаҳридаги 22-алоқа бўлими бошлиғи Наталья Фроловага берилди. Ягона эркак иштирокчи – Дўстобод почта-алоқа тармоғи ходими Саидмурод Исмоилов фойлиблар сафидан ўрин олди.

Фойлибларга рағли телевизор, DVD-плеер ҳамда аудио магнитофон каби қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Шунингдек, «Энг фаол иштирокчи» сифатида ангрэнлик Наталья Фролова тақдирланди. Тошкент тумани вакили Холида Зиятдинова «Энг ёши катта иштирокчи» ҳамда янгибозорлик Наима Мусаева «Энг ёши кичик иштирокчи» номинациясида фойлиб бўлишди.

Шундай қилиб, биринчи ўринни эгаллаган Любoв Гривова шу йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган кўрик-танловнинг республика босқичида Тошкент вилоятида почта-алоқа тармоғи аҳолига қандай хизмат қўрсатаётганлигини намоён қилди.

Хушида НАЗАРОВА,  
«Тошкент ҳақиқати»  
муҳбири.



СУРАТЛАРДА:  
кўрик-танлов хаяжонли дақиқаларига бой бўлди.  
Еркебой БОТИРОВ  
олган суратлар.



2008  
йил  
учун  
обуна  
давoм  
этmoқда  
«ТОШКЕНТ  
ҲАҚИКАТИ»  
газетасининг  
индекс - 205.

## ХОНЖИЗАДА ЯНГИ АВТОМАГИСТРАЛЬ

Сурхондарёнинг тоғли қишлоғи – Хонжизада «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик ақциядорлик бирлашмасига қарашли янги қонинг очилиши муносабати билан туман марказини қишлоқ билан боғловчи 20 километр масофада автомагистраль барпо этиляпти.

Шунингдек, 2009 йилда қонда бўйиш фабрикасини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланаяпти. Бу эса келажакда қондан қазиб олинаётган рудани шу ернинг ўзида саралаш имконини яратди.

Мунира ИСАЕВА.

## 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини

## ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишда аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари – ногиронлар, серфарзанд оилалар, ёши улуг ва ёлғиз кексаларни ижтимоий муҳофазалашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Хар йили юртимизда кенг миқёсда нишонланадиган 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини арафасида бу борадаги эзгу ишларни яна бир бор атрофда таҳлил ва сарҳисоб этиш, галдаги

вазифаларни белгилаб олиш хайрли анъанага айланган. Шу кунларда Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ушбу санани юксак савияда нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Бу ногиронларга моддий ва маънавий кўмак қўрсатиш, уларни тиббий-ижтимоий ҳамда психологик реабилитация қилиш, жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдамлаш, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш каби ишларда яна бир қарор ўз ифодасини топаётган.

Тиббий кўмакка муҳтож кишилар тиббий-профилактик кўриқдан ўтказилиши,

протез-ортопедик воситалар, дори-дармонлар билан таъминлашни борабора ногирон болалар мактаб таълими билан қамраб олиниб, уй шaroитида, махсус мактаб-интернатларда ва умумтаълим мактабларида билим олаётгани эътиборлидир.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунини юртимизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланади. Шу кунни хаста, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кишилар

ҳолидан хабар олинади. Уларга ҳомий ташкилотларнинг дори-дармонлар, тиббий воситалар, таянч-ортопедия мосламаларидан иборат совғалари топширилади. Турли тадбирлар, хайрия марафонлари, концертлар, бадий кўргазмалар ташкил этилади. Айни пайтда "Мурувват", "Саховат", "Меҳрибонлик уйлари", махсус мактаб-интернатларда байрам тадбирлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Назoкат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири.

## Танлов ИҚТИДОР СИНОВИ

Бекобод шаҳридаги 11-мактабда давлат рамзлари ва уларнинг маъно-моҳиятига бағишланган деворий газеталар танлови ўтказилди.

Юқори синф ўқувчилари иштирокидаги бу тадбир ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, унинг рамзларига ҳурмат туйғуларини сингдиришга бағишланди. Ўқувчилар ўзлари чиқарган деворий газеталарни таърифлаб, Давлат байроғи ва Давлат герби билан гурурланишлари ҳақида гапирди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий кенгашлири ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимининг томонидан ташкил этилган шундай кўрик-танловлар Бекобод техника-иқтисодиёт ва Янгийул шаҳар технология-иқтисодиёт коллежлари, академик лицей ва 10-умумтаълим мактабидан ҳам ўтказилди.

Азиза КҮРБОНОВА.





## ТОШКЕНТДА ГУЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Миллий санъат марказида "Корея гербарийси" гуллар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазма "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Гоян шаҳри мэрияси (Жанубий Корея), Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Wonyang Sma. компанияси, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган бўлиб, унда машҳур корей усталарининг кури-тилган гуллар, барглари, сув ўтлари ҳамда мева ва сабзавотлардан тайёрланган буюмлари намойиш этилмоқда.

1997 йилдан бошлаб ҳар уч йилда Гоян шаҳрида "Халқаро гуллар кўргазмаси" ва "Гоян Корея гуллар кўргазмаси" ўтказиб келинади. Ушбу кўргазма Европанинг турли давлатларида намойиш этилиб, бу йил илк бор Тошкентда бўлиб ўтмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида Кореянинг Гоян шаҳри мэри Канн Хён Сок бош-

чилигидаги делегация иштирок этди.

Миллий санъат маркази Кореядан махсус келтирилган тирик гуллар ва 200 га яқин гул безакли экспонатлар билан тўлган. Жумладан, уй жихозлари, столлар, ойналар, ёриткич ва кутилар, соатлар, заргарлик буюмлари ва аксессуарлар ва бошқа кўплаб экспонатларни ўратилиш мумкин.

Форум жамғармаси вакиллариининг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг амалга ошиши маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўпик бўла олади.

Ушбу кўргазма уч кун давомида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,  
"Туркистон-пресс".

Нафиса сахарда безовта-лабил йўғонди-ю, ўзини ёмон ҳис қилди. Бели ўқтин-ўқтин санчиб, кўнглини бе-хузур қилиб, азоб берарди.

— Нима қилсам экан-а? — дўппайган қоринни чангаллаганча, чора излай бошлади.

— Эҳ, қайнонам бор-у, лекин қайси юз билан айтаман. "Ўл-е, ҳолинг шу экан-у, суқсиз тилинча на-мунча эрк бермасанг", дейиш аниқ. Демаганида ҳам кўнглидан ўтказди.

Нафиса белини маҳкам тутганча, инқиллаб дераза олдиға борди. Узун пардани суриб, ҳовлиға кўз ташлади. Қайнонаси оғилхонадаги сийриғи соғиб қайтаёт-ганди. Сўнг у ошхонаға кирди. У ерда анча қуймаланган, чикиб, товуқ қатагининг эшигини очди. Осиб қўйилган халтадаги дондан ҳовуч-лаб, оёғи остида ўралаша-ётган паррандаларға сочди. Сўнг яна ошхонаға кирди. Ҳаял ўтмай, Нафисанинг ди-моғини қитқилаб, пишган қайноқ сўтининг ёқмили иси келди. Демак, қайнонаси қатик ўвитиш учун сут пи-ширяпти. Оҳ, қандай маза-ли, сутнинг иси.

Қозонда кўпириб тошаёт-ган, оппоқ буғи чиқиб тур-ган сўтдан бир пиёлагина ичгиси келди. Шу топда "Аяхон, мени кечиринг, бу-тун танам тутиб-тутиб оғри-япти, қани энди бир пиёла қайноқ сут ичсам", дегиси келди, лекин гурур ўлгур йўл бермади. Ўзига қолса, ҳозир еттинчи осмондан кечиб, ошхонада қуймалан-ётган хохисорғина қайнона-си олдиға тушгиси бор. Фурур эса...

Нафисанинг келин бўлиб тушганига ҳали йил тўлгани йўқ. Э-ҳа, бу орада неча бор аразлаб, уйда ўтириб келди. Хар сафар эрининг зугу-мидан эмас, қайнонасининг оила тутуми, турмуш кемти-лар хусусидаги гап-сўзла-ридан тоқати тоқ бўлиб, кетиб қоларди. Онаси-нинг: "Болам, мусичадек беозор қайнонанг сенга ёмонлиқни раво кўрармиди. Ахир, сенга оилани, турму-шн ўргатса, бунинг нимаси ёмон?", деб зорланишлари-га парво қилмади. Уйда нари борса, бир ҳафта ўти-рар, сўнг қилган ишидан пушаймон бўлиб, кўзлари йўлакча михлидан қоларди. Кўз очиб кўрган ёстиқдоши-ни соғина бошларди.

Толибжон эса табиятан оғир-босиқ, умрида бир биров-нинг галини ташамаламаган. Онасининг индамай, айбдор-дек хомуш бўлиб, бош эгиб ўтиришга эса сира тоқат қилолмасди. Нафисаларни-кига кўргани келган киши бўлиб борар, қайнонасининг ўқизганига қол тополмай, типирчилаб жойи тоналдан хи-жолат чекиб, ҳеч нарса бўлмагандай, у ёқ-бу ёқдан гурунлашган бўларди. Сўнг хотинини олдиға солиб, олиб келарларди. Ўзлари ёлғиз қолган кезларда ҳам Толибжон Нафисага қаттиқ дашмон бермасди.

— Сабабтингиз андак уза-йиб кетмадингми? — деб ўқир нигоҳини қадаганча, кесат-ган бўларди. Бошқа гапир-масди.

Толибжоннинг онаси ас-лида мусичадек беозор, сод-да. Келинига ҳеч бир қалтис сўз айтмади. Онаизор одам боласини ҳурлайдиган, ша-нини бўлғайдиган сўзларни

мутлақо билмасди. «Болажоним, қозоннинг оғзи тун бўйи очик қолибди-я. Супи-риндини ариққа туширманг, гуноҳи азим бўлади, онажоним. Бурдаланган ноларни мол тоғорасига ташламанг, қизим. Ахир, ноннинг увоғи ҳам нон-а. Унинг бир бур-дасига етишиш учун қадим-да не-не одамлар азиз жон-ларидан кечтишган».

Шу йўсин насиҳатомуз ўғитлар Нафисага ҳақорат бўлиб туюларди. Қайнона-си-га тик боқиб: «Намунча май-да гапсиз, ҳасиссиз? Ҳаҳ, бурдаланган нонга бутун ким кўз тикиб турибди экан. Сиз ўша алмисокдан қолган ки-

## Куз неъматлари ТУРПНИНГ ФОЙДАСИ КЎП

Айни кеч куз неъматини бўлган турп ҳар қандай кишининг иштаҳасини «қитқиламай» қўймайди. У куз-қиш мавсумида деярли барча хонадонлар дастурхондан жой олади.

Турп мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида етиштирилади. У кўпгина манбаларда ши-фобахш неъмат сифатида эътироф этилади. Чунон-чи, бу илдизмева тарки-бида қанд, оксил, клет-чатка, ферментлар, хо-лин, каротин ва бошқа кўпгина дармондорилар, шунингдек, кўп микдорда қаллий тузи, кальций, ма-гний, фосфор моддалари ҳам мавжуд.

Халқ табибатида турп-нинг қайнатиб пиширил-гани шамоллашга қарши, пешоб ҳайдовчи, балғам

қўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво си-фатида тавсия этилади. Шунингдек, ундан меъда-ичак яраси, гастрит, гепа-тит ва юрак касалликла-рининг олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Айтайлик, кўкйўтални, нафас йўллари шамолла-шини даволашда турп шарбатиға тенг микдорда асал аралаштириб, куни-га 3-4 марта бир ош қошиқдан ичиб туриш кони фойда эканлиги кўп бор тасдиқланган. Турп ичи ўйилиб, асал солин-са, яна яхши, ундан хуш-ташм шарбат ажралади.

Табобат олами юлдузи Абу Али ибн Сино ўз асарларида бундай шар-бат билан овоз бўғилиши-ни даволаганини қайд эт-ган. Шу билан бирга турп

пиширилган саримсоқ би-лан қўшиб истеъмол қилинса, буйракдаги тош-ни парчалайди, ўт қопча-си яллиғланишининг олди олинишини таъкидлайди.

Замонавий фаннинг аниқлашича, турпда кучли бактерицид хусусиятига эга бўлган лизоцим мо-даси учрайди. Маълумки, бу модда микробларга қирон келтирувчидир. Турп уруғини янчиб, ку-кунини оз микдордаги сув билан аралаштирган ҳолда тананинг ярали ерларига суртилса, жароҳатлар би-тишини тезлаштиради. Турпни кўп микдорда ис-теъмол қилишнинг яна бир хосияти — у тананда ор-тика холестерин тўпла-нишига йўл қўймайди.

Шу хусусиятлари сабаб бўлса керак, мамлакатини



мизда энг кўп турп етиш-тирадиган олтиариқлик деҳқонлар орасида шун-дай латифа ҳам бор:

Олтиариқликдан сўра-шибди:

— Дунёда энг фаросат-ли ҳайвон қайси?  
— Ит.  
— Нега?  
— Турпга тегмайди.  
— Дунёда энг бефаро-сат ҳайвон қайси?  
— У ҳам ит.  
— Нега?  
— Турп емайди...

Алишер РАҲМАТОВ  
тайёрлади.



— Юрагимдагини қандай исҳор этсам экан.

## УЙДАФАРДА ҚОЛГАН ҚАЙДЛАР

Бир устоз шогирдига маслаҳат берапти:

— Деворнинг қавағига офтоб тушса, қафтингни тут. (Яъни, фойдаси тегадиган нарсадан қуруқ қолма, демоқчи).

Бу сўхтаси совуқ қимсадан озор чекмаган тирик жон қолмади. Икки оёқлидан шоти, тўрт оёқли-дан сандал, бели боғлиқ нарсадан сўпурги қолди, холос.

Ота насиҳати:

— Болам, йўлнинг эркак, урғочи-сига қараб юргин, шунда панд емасин.

— Йўлнинг ҳам эрқағи бўлади-ми?

— Ҳа, лой йўл эркак йўли, текис, қуруқ йўл — хотин йўли бўлади.

«У кишининг боласи кўп, дево-рига ҳам сунйиб бўлмайди».

Кунгабоқарни лаганбардор одамга ўхшатишди. Халқ, ҳатто, қушиқ ҳам тўқиган:

Кунгабоқар, кунгабоқар,  
Кун ботганда кимга боқар?  
Ўзбекистоннинг баъзи вилоятла-рида кунгабоқарни беҳосият деб, пол-из четига ҳам экмайдилар. Бу адолатдан бўлмаса керак.

Онанинг аризи холи:

— Одам қизининг уйда бема-лол инқиллай олмайди ҳам. Илоҳ, ўғилниқдан қўймасин экан.

Бир ҳодим бошлиғига тилак тилапти:

— Ўлгунча яшанг, ҳўжайин!

ҚАРНОКЛИ.

Куйичирчиқ туманидаги 11-мактаб томонидан 1999 йил 19 июнда Махатов Лаура Абуовна номига берилган O R-A № 637446 рақамли аттес-тат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


Учтепа туманидаги "BONANZA TRADE" хусусий қорхонаси (ОКПО 21464927) "BONANZA TRADE" масъулият-ти чекланган жамиятига ай-лантирилди.

Даволар эълон чиққан кун-дан бошлаб 2 ой давомида 187-49-68 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги "ХАЗРАТ САВДО" хусусий фирмаси (ОКПО 18877726) "ХАЗРАТ САВДО" МЧЖга ай-лантирилди.

Даволар 1 ой давомида қабул қилинади.

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни тақлиф этади.



Барча бож тўловлари ҳисоби билан

## СКАНВОРД

| Бут<br>ора-<br>лиғи     | Ишо-<br>ра | Илон<br>(форс-<br>ча) | Олтин                            | Падар | Фол | Пара-<br>зит<br>ҳалпа-<br>рот        | Ҳасса | Оғизда-<br>ги аъзо |
|-------------------------|------------|-----------------------|----------------------------------|-------|-----|--------------------------------------|-------|--------------------|
| Аж-<br>риқ              | →          | →                     | Мўҳтож                           | →     | →   | Тайланд<br>пули                      | →     | →                  |
| Кир<br>ювиш<br>кукуни   | →          | →                     | Олам<br>Момо<br>хаво             | →     | →   | «Нон<br>...»<br>(Ривоят)             | →     | →                  |
| Чолгу<br>асбоби         | →          | →                     | Ка...<br>Фа...<br>Бай...         | →     | →   | «Гул<br>ва...»<br>(б/ф)              | →     | →                  |
| Йирт-<br>қич<br>қуш     | →          | →                     | Қозоғис-<br>тондаги<br>даре      | →     | →   | Қабоб<br>чўпи                        | →     | →                  |
| Мах-<br>фий<br>гап      | →          | →                     | Учин-<br>чи хо-<br>қимият        | →     | →   | Ислом<br>бўла-<br>ди. Ах-<br>ристиан | →     | →                  |
| Ранг<br>тур             | →          | →                     | Вазъа-<br>вафоро мар-<br>нинг... | →     | →   | Чоҳ                                  | →     | →                  |
| Италия<br>пой-<br>тахти | →          | →                     | Касос,<br>уч                     | →     | →   | Куш<br>эрқағи                        | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Оз                               | →     | →   | Қаша-<br>рот                         | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Хай-<br>рон                      | →     | →   | Фаро-<br>сат                         | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Губор                            | →     | →   | Олхў-<br>ри (шева)                   | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Бог-<br>ловчи                    | →     | →   | Пичоқ<br>филлофи                     | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Куйруқ                           | →     | →   | Райхон<br>Беруний                    | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Кулоғи<br>огир                   | →     | →   | Дорбоз<br>йўли                       | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Галаба<br>хайки-<br>риғи         | →     | →   | Хўл<br>мева                          | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Сер-<br>нам                      | →     | →   | Яқин<br>қарин-<br>дош                | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Электро-<br>стан-<br>ция         | →     | →   | Дулоқ                                | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Зангори<br>олов                  | →     | →   | Дарахт                               | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Гал-<br>нинг бош<br>бўдағи       | →     | →   | Нардоз<br>кукуни                     | →     | →                  |
| →                       | →          | →                     | Бош<br>(форсча)                  | →     | →   | Харо-<br>рат<br>(форсча)             | →     | →                  |

Тузувчи Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Шайхонтоҳур тумани-даги 38-ўрта мактаб томо-нидан 2003 йилда Қари-мова Барно Ашраповна номига берилган U № 0407005 рақамли аттес-тат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туманидаги Арзыбекова Амина Едил-баевна номига 2007 йил 1 январда берилган (рўйхат рақами 2484) ББ 010300 рақамли савдо лицензия-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа туманидаги "FARNOD" хусусий қорхонаси (2003 йил 10 мартдаги № 01-00497 реестр ра-қамли, ОКПО 14827074) "FARNOD" ва "SHIRIN" масъулият чекланган жамия-тига айлантирилмоқда.

Даволар эълон чиққан кундан бош-лаб 2 ой давомида 274-37-29 рақамли телефон орқали ёки Фарход қўчаси, 13-мавзе, 6-а уйда қабул қилинади.

Утеранный диплом л № 082084, выдан-ный в 1997 году ПТУ № 47 Сергеевского района г. Ташкента на имя Кузубаева Бах-тияра Авазхановича.

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2007 йил 4 июнда Ка-сымов Санжар Хуса-нович номига берил-ган 0905644 рақамли уяли алоқа восита-лари хизмат кўрсатиш.

Х-пресс тўлов карта-лари сотиш ҳуқуқини берувчи тўловнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

### ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Убайдулла  
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими:  
136-55-54.  
Эълонлар: 133-90-82,  
136-53-54.

Манзиллимиз:

700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида  
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти  
компьютер марказида терилди ва  
саҳифаланди.

● Эълон ва билди-  
рувлардаги факт  
ҳамда далилларнинг  
тўғрилиги учун рек-  
лама ва эълон бе-  
рувчилар масъулдир.